

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2021 йил 24 август куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, суд биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: судья М.Ахмедов,

Ҳайъат судьялари: Д.Дадаханова ва О.Қличевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Сулаймоновнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғининг ўринбосари Х.Назаров, судланган А.А.нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Б.Б.нинг иштирокида, А.А.га оид жиноят ишини судланган А.А. томонидан келтирилган апелляция шикоят асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2020 йил 17 ноябрдаги ҳукмига кўра,

А.А.А., 1989 йил 6 июль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 15.06.2011 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 2 йил синов муддати белгаланган;

2) жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 18.07.2017 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 05.11.2018 йилдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан жазонинг ўталмаган 3 йил 3 ой 23 куни шу муддатга иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жазонинг 1 йил 8 ой 27 куни ўталмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Сағбон 2-берк кўчаси, 213-уйда яшаган, иш бўйича



эхтиёт чораси сифатида 2020 йил 30 августдан қамокда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 18.07.2017 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазони ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан унга узил-кесил 12 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилиши белгиланган ва жазони ўташ муддати 2020 йил 30 август кунидан бошлаб ҳисобланган.

Мазкур ҳукм билан В.В, У.У., С.С. ва К.К.лар ҳам судланган бўлиб, жиноят ишининг уларга оид қисми бўйича протест ёки шикоят келтирилмаганлиги сабабли уларнинг қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, В.В. 2020 йил август ойининг ўрталарида ўзига илгаридан таниш бўлган Н.Н.Н.нинг йирик миқдордаги пул маблағларини Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чуқурсой кўчаси, 80^Б-уйга олиб бораётганлигидан хабар топиб, ушбу пулларни босқинчилик йўли билан тортиб олиш мақсадида, танишлари У.У., А.А., С.С. ва К.К. билан олдиндан жинойий тил бириктиришиб, бир гуруҳга бирлашиб, 2020 йил 26 август куни тахминан соат 23:00 ларда, У.У.нинг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 01 J 845 KB бўлган “Спарк” русумли автотранспорт воситасида Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чуқурсой кўчаси, 80^Б-уй олдида боришиб, Ф.Ф.ни ушбу уйга йиғилган пулларни олиб келишини кутиб туришиб, Ф.Ф. ўзининг бошқарувида бўлган автотранспорт воситасида ушбу уйга келиб, йиғилган пулларни қолдириб кетганига ишонч ҳосил қилишгач, ўзларида бўлган тиббий ниқоб ҳамда тиббий қўлқопларни кийишиб, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чуқурсой кўчаси, 80^Б-уйга эшик очиклигидан фойдаланган ҳолда ғайриқонуний равишда кириб, хонадон эгаси М.М.М.ни бўйнига пичоқ тираб, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, М.М.нинг танасини турли жойларига уриб тепиб, хонада бўлган ўша вақтдаги банк курси бўйича қиймати 12.433.467.005 сўмга тенг 1.211.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан яширинганлар.

Судланган А.А. апелляция шикоятда, дастлабки тергов бир томонлама олиб борилганлигини, биринчи инстанция суди ишни холисона ва адолатли кўриб чиқмаганлигини, унинг оилавий шароити, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инobatга олинмаганлигини баён қилиб, адолатли қарор чиқаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси судья М.Ахмедовнинг маърузасини, прокурор Х.Назаровнинг биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланган А.А.нинг



химоячиси Б.Б.нинг апелляция шикоятини қувватлаб берган фикрларини тинглаб, апелляция шикоятида келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида текшириб, қуйидагиларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Апелляция инстанция суди, судланган А.А.нинг жиноят содир этишдаги айби, унинг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, судланувчи В.В., У.У., С.С., К.К., жабрланувчи М.М., фуқаровий даъвогар З.Алиматова ва гувоҳ Ф.Ф., И.А., О.А., М.А., Х.А., М.С., З.М., А.Р., А.С., А.А.ларнинг кўрсатувлари, воқеа жойини кўздан кечириш, тинтув, пул маблағларини кўздан кечириш, ашёвий далилларни олиш, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, фотосуратлар, нарсани ашёвий далил деб топиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан А.А.нинг жиноий ҳаракатларини муҳокама қилиниб, унинг босқинчилик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан жиноий тил бириктириб, қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган нарсалардан фойдаланиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида уй-жойга бостириб кириб, ҳужум қилиб, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди А.А.га жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида белгиланган, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги тўғрисидаги қоидага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, унинг шахсини, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўлаган ҳолда айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаб, уни жазони ўташ даврида қасддан яна жиноят содир қилганлиги учун унга нисбатан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида



ўталмай қолган жазо муддатини тайинланган жазога қисман қўшиб, тўғри хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, ҳукмни ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁷, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹-моддаларига риоя қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2020 йил 17 ноябрдаги А.А.А.га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятни эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: имзо М.Ахмедов

Ҳайъат аъзолари: имзо Д.Дадаханова

имзо О.Қличев

Аслига тўғри:

